

ЧОЧ ТОПОНИМИНИНГ МАНБАЛАРДА ЁРИТИЛИШИ

Иномов О., ТДПУ аспиранти

Юртимиз тарихида ўзига хос ўринга эга бўлган Тошкент воҳаси қадим замонлардан географик ва иқлим жиҳатидан қулай жойлашганлигидан барчанинг диққат эътиборида бўлиб, қадимги манбаларда Чоч ёки Шош номи билан машҳур бўлган. Бу ном дастлаб Чимкент яқинидаги Култоба шахристони (мил. авв. III асрнинг биринчи ярми – II аср)дан топилган пишиқ ғиштларга ўйиб ёзилган суғдий ёзувларда тилга олинади. Кейинчалик эса Чоч топоними милодий 262 йил Сосонийлар подшоси Шопур I нинг “Зароастр Каъбаси” тош лавҳасида унга тобе мамлакат ва вилоятлар рўйхатида ёзиб қолдирилган. Унда Кўҳи Чоч (Чоч тоғлари) Сосонийлар ерларининг шимолий чегарасида жойлашган деб эслатилади. Айни вақтда Тошкент воҳасини ўраб турган тоғлар ҳам Чоч деб аталган. Чоч топоними аслида қадимий туркийча атама бўлиб, “Яшил тош”, “Феруза тошга бой ўлка” деган маъносини беради. Уралнинг Керчево қишлоғида шар билан ҳошияланган икки шоҳли тож кийган ҳукмдорнинг камишзордан чиқиб келаётган иккита тўнғиздан бирига қилич ураётгани тасвирланган кумуш идиш топилган. III-IV асрларда Балхда тайёрланган мазкур идишда “Чоч ҳалқига тегишли мулкдан...” деган суғдий ёзув бор. Чочда қадимдан ҳунармандчилик ривожланганлиги тўғрисида тарихчи географ ал-Макдисий куйидагиларни ёзади: “Бухоронинг қовуни ва гўштига, Хоразмнинг пиёзига, Чочнинг кулоллари ясаган идишларига, Самарқанднинг қоғозига, Ҳиротнинг узумига дунёда тенг келадиган нарсалар бўлмаса керак”. Чоч топоними хитой манбаларида милоддан аввалги II–милодий V–асрларда Лоюени, Юни, Чжеше, Чжечжи, Чжеси ва Ши деб номланган бўлиб, улар Чоч, Ши топоними эса Тош маъносини билдиради. Юнон тарихчи-географлари асарларида Тошкент тўғрисида қизиқарли маълумотлар кўплаб учрайди. Юнон географи Клавдий Птолемей ўзининг “Географиядан қўлланмалар” асарида Ер шарининг обод қисмини, яъни ойкуменани 26 та харитада тасвирлаган. Шу хариталардан бирида Ўрта Осиё ва унинг атрофидаги ўлкалар кўрсатилган. Хариталардан бирида Хитойга борадиган савдо йўли устида, Яксарт (яъни Сирдарё) ҳавзасининг шарқида “Терра Лапидея” ёки “Лифивос Петрос” деган жой номи кўрсатилган. Олимлар ана шу юнонча номни “Тош кўрғон” деб таржима қилиб, Тошкентга нисбат берадилар.

Шаҳар Тошкент номи билан даставвал XI асрнинг машҳур алломалари Абу Райҳон Беруний ва Маҳмуд Қошғарийларнинг асарларида тилга олинади. Беруний ўзининг “Ҳиндистон” асарида Тошкент номининг келиб чиқиши ҳақида сўз юритиб, “Тош сўзи асли туркча исм бўлиб, аввал Шош кўринишини олган. Тошканд –тошли қишлоқ демакдир” деб изоҳлайди. “Тош” туркча сўз эканлиги урғу беради. Маҳмуд Қошғарийнинг маълумоти бўйича Тошкент шаҳри (Шоштепа) XI-XII асрларда «Таркан» деб ҳам юритилган. Сомонийлар (IX-X асрлар) даврида ҳам Тошкент «Таркан» деб юритилганлиги бизга маълум. XVII асрда яшаган олим Маҳмуд ибн Вали шундай ёзади: “Шош Сайхун (Сирдарё) нинг у томонида жойлашган шаҳар ва у Туркистон (вилоят)га қарайди... Уни Чоч деб ҳам атайдилар. Бироқ, ҳозирги вақтда у Тошкент номи билан машҳурдир”.

Бошкентимиз Тошкент шаҳрининг Чоч топоними турли ёзма манбаларда қайд этилган бўлиб, у суғдча тушунча бўлиб, тош тушунчасини ифодалайди.

Адбиётлар:

1. Камолиддинов Ш. “Чоч (Шош) топонимининг келиб чиқиши ҳақида” // Мозийдан садо. 2009 йил. № 2.
2. Қораев С. Ўзбекистон вилоятлари топонимлари. -Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2005.
3. Юсупов Э.Ю. Тошкентнинг ўтмиши ва бугунги куни. -Т.: Ўзбекистон, 1983.
4. Асқаров А. А. Ўзбек халқининг этногенези ва этник тарихи. -Т.: Университет, 2007.

